

IV. ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХҲЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра 2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 156 667,1 млрд.сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,4 % ни, шу жумладан дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 151 878,8 млрд. сўмни (102,3 %), ўрмон хўжалиги – 4 053,4 млрд. сўмни (102,1 %), балиқ хўжалиги – 734,9 млрд. сўмни (113,8 %) ташкил қилди.



156,7

Ўзбекистон Республикаси бўйича
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
маҳсулот (хизмат)ларининг
ҳажми, трлн. сўм



01 **151,9** Дехқончилик ва чорвачилик, овчилик
ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар


02 **4,1** Ўрмон хўжалиги

03 **0,7** Балиқ хўжалиги

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар ҳажмининг ўсиш суръати




Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар ҳажмининг тақсимланиши



- Ўрмон хўжалиги
- Балиқ хўжалиги
- Дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар
- Дехқончилик маҳсулотлари
- Чорвачилик маҳсулотлари
- Овчилик ва қишлоқ хўжалик соҳасидаги хизматлар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар умумий ҳажмининг 96,9 % – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳиссасига, 2,6 % – ўрмон хўжалиги ва 0,5 % балиқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.


Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар ҳажми




2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (21 307 млрд. сўм) ва Андижон (16 703 млрд. сўм) вилоятларига тўғри келмоқда. Аксинча кам ҳажмга эга худудлар жумласига Қорақалпоғистон Республикаси (4 838 млрд. сўм), Сирдарё (5 310 млрд. сўм) ва Навоий (7 014 млрд. сўм) вилоятларини келтириб ўтиш мумкин.

Хусусан юқори ўсиш суръатлари Фарғона вилоятида (104,0 %), Қорақалпоғистон Республикасида (103,5 %), Сурхондарё (103,4 %) ва Қашқадарё (103,3 %) вилоятларида кузатилди. Бухоро (100,2 %), Сирдарё (100,3 %) ва Самарқанд (100,6 %) вилоятларида эса аксинча паст суръатлар қайд этилди.

Худудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўсиш суръати



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши




Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Самарқанд вилоятининг улуши 13,6 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Андижон ва Тошкент вилоятлари мос равишда 10,7 % ва 9,9 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (3,1 %), Сирдарё (3,4 %) ва Навоий (4,5 %) вилоятларида қайд этилди.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 150 839,5 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,4 % ни, шу жумладан деҳқончилик маҳсулотлари – 76 165,9 млрд.сўмни (102,4 %), чорвачилик маҳсулотлари – 74 673,6 млрд. сўмни (102,5 %) ташкил қилди.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш
ҳажмида дехқончилик ва чорвачилик
маҳсулотларининг улуши**



**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши, %




Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 73,7%и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 23,8%и – фермер хўжаликларига, 2,5%и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти улушининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиши кузатилди.

2019 йилнинг январь–сентябрь ойлари яқунларига кўра жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар таркибида фермер хўжаликларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида (31,7%), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юқори улуши Навоий вилоятида (82,8%), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида (9,2%) қайд этилди.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги улуши бўйича энг паст кўрсаткич Навоий вилоятида (14,2%), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуши Самарқанд вилоятида (66,1%), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Хоразм вилоятида (0,8%) қайд этилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжаликлар тиффалари кесимида тақсимланиши




■ Фермер хўжаликлари

■ Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари


■ Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши


Чорвачилик маҳсулотлари



5,2 %




91,9 %




2,9 %


Дехқончилик маҳсулотлари



42,1 %



55,8 %



2,1 %


- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Дехқончилик


2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 76 165,9 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,4 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 50,5 % ни ташкил қилди.



Донли экинлар



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тифалари бўйича тақсимланиши



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тифадаги хўжаликлар томонидан 6 444,1 минг тонна дон экинлари (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 9,6 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Дон экинларини ишлаб чиқариш маълумотларини хўжаликлар тифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, ишлаб чиқарилган дон экинлари умумий ҳажмидан 85,5 % фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.





Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича донли экинлар
етиштириш ҳажми, минг т



Сабзавотлар



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 456,3 минг тонна сабзавотлар (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 2,3 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сабзавот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сабзавот ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 79,8 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.





Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича сабзавот
етиштириш ҳажми, минг т



Картошка



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2 396,1 минг тонна картошка (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 2,5 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Картошка ишлаб чиқариш кўрсаткичлаини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, картошка ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 87,8 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.






Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича **картошка**
етиштириш ҳажми, минг т



Полиз



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1 355,6 минг тонна полиз (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 4,8 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Полиз ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, полиз ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 63,7 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.




Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича **ПОЛИЗ**
етиштириш ҳажми, минг т

Ўзбекистон Республикаси		1 355,6
Қорақалпоғистон Республикаси		113,1
Андижон		79,5
Бухоро		112,2
Жиззах		163,7
Қашқадарё		163,5
Навоий		50,4
Наманган		52,3
Самарқанд		78,2
Сурхондарё		191,9
Сирдарё		182,5
Тошкент		29,9
Фарғона		43,3
Хоразм		95,1

Мева ва резаворлар



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1 991,4 минг тонна мевалар ва резаворлар (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 3,2 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Мевалар ва резаворлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, мевалар ва резаворлар ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 62,8 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.




**Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича мевалар
ва резаворлар етиштириш
ҳажми, минг т**

Ўзбекистон Республикаси	1 991,4
Қорақалпоғистон Республикаси	36,3
Андижон	387,6
Бухоро	211,6
Жиззах	58,9
Қашқадарё	133,3
Навоий	75,7
Наманган	179,5
Самарқанд	276,2
Сурхондарё	114,7
Сирдарё	30,6
Тошкент	92,9
Фарғона	275,1
Хоразм	119,0

Узум



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1 247,2 минг тонна узум (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 6,8 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Узум ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, узум ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 57,2 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича **узум**
етиштириш ҳажми, минг т

Ўзбекистон Республикаси	1 247,2
Қорақалпоғистон Республикаси	5,1
Андижон	53,0
Бухоро	153,5
Жиззах	20,2
Қашқадарё	83,8
Навоий	63,2
Наманган	80,8
Самарқанд	463,1
Сурхондарё	83,3
Сирдарё	11,9
Тошкент	90,8
Фарғона	107,8
Хоразм	30,7

Чорвачилик




2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 74 673,6 млрд. сўми ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,5 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 49,5 % ни ташкил этди.

Гўшт



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1 799,7 минг тонна гўшт (тирик вазнда) (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 2,7 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Гўшт ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, ишлаб чиқарилган гўшт умумий ҳажмининг 92,0 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.





Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича
гўшт (тирик вазнда)
етиштириш ҳажми, минг т

Ўзбекистон Республикаси	1 799,7
Қорақалпоғистон Республикаси	72,4
Андижон	112,4
Бухоро	182,3
Жиззах	154,1
Қашқадарё	213,9
Навоий	119,2
Наманган	112,8
Самарқанд	217,8
Сурхондарё	127,4
Сирдарё	51,4
Тошкент	195,4
Фарғона	118,2
Хоразм	122,4

Сут



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 739,2 минг тонна сут (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 1,9 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сут ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сут ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 95,2 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



**Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича ишлаб
чиқарилган **сут** ҳажми, минг т**




Тухум



2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 5 550,8 млн. дона тухум (2018 йилнинг январь–сентябрга нисбатан 7,0 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Тухум ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тухум ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 57,4 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.




**Ўзбекистон Республикаси
ҳудудлари бўйича олинган
тухум ҳажми, млн. дона**





Балиқ

Ҳажми, т



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг
хўжалик тоифалари бўйича
тақсимланиши

Ўсиш суръати



2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 57 001 тонна балиқ (2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 11,5 % га кўп) овланди. Овланган балиқни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, овланган балиқ умумий ҳажмидан 54,4 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича
овланган балиқ ҳажми, т




Чорва моллари ва паррандалар бош сони

2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 12 547,5 минг бошга бошга етди.


2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 138,7 минг бошга (1,1 %) кўпайди.

Йирик шохли қорамоллар


Сони, минг бош



Бош соннинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



Ўсиш суръати



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига мавжуд йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, жами йирик шохли қорамолларнинг 93,8 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

**Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича
йирик шохли
қорамолларнинг
умумий бош сони, минг бош**




2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда сигирларнинг умумий бош сони 4 523,9 минг бошга етди.

2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда сигирлар умумий бош сони – 61,6 минг бошга (1,4 %) кўпайди.

Сигирлар


Сони, минг бош



Бош соннинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



Ўсиш суръати



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига сигирлар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, жами сигирларнинг 94,5 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

**Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича
сигирларнинг
умумий бош сони, минг бош**




2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда қўй ва эчкиларнинг умумий бош сони 21 646,0 минг бошга етди.

2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда қўй ва эчкилар умумий бош сони – 558,2 минг бошга (2,6 %) кўпайди.

Қўй ва эчкилар



Бош соннинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига қўй ва эчкилар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, жами қўй ва эчкиларнинг 81,3 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.


**Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича
қўй ва эчкиларнинг
умумий бош сони, минг бош**




2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда паррандаларнинг умумий бош сони 81 799,4 минг бошга бошга етди.

2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар жами бош сони – 6 116,1 минг бошга (8,1 %) кўпайди.

Паррандалар



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига паррандалар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, жами паррандаларнинг 58,2 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келишини кайд этиб ўтиш лозим.

**Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича
паррандаларнинг
умумий бош сони, минг бош**



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Деҳқончилик маҳсулоти – ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосили ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг қийматини ҳамда кўп йиллик ёш кўчатларни ўстириш қиймати ва йил бошидан йил охиригача тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларининг ўзгариши йиғиндисидир.

Чорвачилик маҳсулоти – моллар, паррандалар ва бошқа чорва молларини ўстириш, сут, тухум, жун, асал ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қийматларини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми индексларини ҳисоблашда уларнинг солиштирма нархлардаги қийматидан фойдаланилади.

Овчилик - овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш шунингдек парваришхона ва фермаларда ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва даволаш ҳаражатлари ҳисобга олинади.

Ўрмон хўжалиги – ўрмон ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш каби фаолият турларини ўз ичига олади. Ўрмон хўжаликлари томонидан олиб борилаётган ишлар ўрмонларнинг ҳолатини яхшилаш, уларни узлуксиз янгилаш, зараркундалар, касалликлар ва ноқонуний кесишдан ҳимоя қилиш, санитария ва ёнғинга қарши дастурларни ишлаб чиқиш киради. Ўрмон хўжалиги маҳсулотларига терак, эман, кайин, сосна, қорақарағай ва бошқа шу каби дарахтлар кўчатларини олиш ва етиштириш ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек ёввойи ҳолда ўсувчи кўзикорин ва трюфеллар, резавор мевалар, ёнғоқлар ва бошқаларни териб олингани ушбу тармоқда ҳисобга олинади.

Балиқ хўжалиги – овланган балиқ, сув биоресурслари ва аквакультура соҳаларининг маҳсулоти ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини шунингдек ушбу соҳани ривожлантириш, захираларни кўпайтириш ва яхшилашни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғилган ялпи ҳосили қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, фермер ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида асосий ва такрорий, боғларнинг қатор ораларидаги қишлоқ хўжалиги экинларидан йиғиб олинган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади;

Фермер хўжаликлари - ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилади ва реализация қилади.

Дехқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Моллар бош сони - хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳларидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳ.к.)

Гўшт ишлаб чиқариш - сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

Сут ишлаб чиқариш - ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи ишлаб чиқаришга киритилмайди.

Тухум ишлаб чиқариш - барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда қурқ товуқлар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

Жун ишлаб чиқариш - хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфлангани ҳамда жунни сақлаш ва ташиш жараёнида йўқотилганини қўшган ҳолда, қўй, эчки, туялардан ҳақиқатда қирқиб олинган натура вазндаги (қирқиб олингандан кейинги вазнда) барча жунларни ўз ичига олади, бунга туллаш жуни, эчки тивити ҳамда такрорий қирқиб олинган жунлар ҳам қўшилади.